https://gospodarkainnowacje.pl GOSPODARKA I INNOWACJE

LABORATORIUM WIEDZY Artur Borcuch

Volume: 38 | 2023

Economy and Innovation

ISSN: 2545-0573

# ТУРИЗМ СОҲАСИГА ТАШҚИ ВА ИЧКИ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ КИРИТИЛИШИ МАМЛАКАТИМИЗДА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРНИ ЯРАТИЛИШИДАГИ АҲАМИЯТИ

**АЮБОВ ИЛЁС ИЛХОМОВИЧ**

Самарқанд Иқтисодиёт ва Сервис Институти иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, PhD

E-mail: ilxomovich03071984@gmail.com

Телефон рақами: +99893 775 84 87

**ОРТИҚОВ ФАРМОНБОЙ РАХМОН ЎҒЛИ**

Самарқанд Иқтисодиёт ва Сервис Институти,

“Иқтисодиёт факултети” талабаси

E-mail: farmonboyortiqov1@gmail.com

Телефон рақами: +99899 771 45 05

**МЕХРИДДИНОВ ФАҲРИДДИН АСҚАР ЎҒЛИ**

Самарқанд Иқтисодиёт ва Сервис Институти,

“Иқтисодиёт факултети” талабаси

E-mail: fahriddinmexriddinov@gmail.com

Телефон рақами: +99899 136 35 73

**A R T I C L E I N F O.**

***Калит сўзлар:***

Дестинация, имиж, ЯИМ.

**Аннотация**

Maqolada hozirgi kundagi axborot-kommunikatsion texnologiyalar va tizimlar haqida umumiy ma’lumot berilgan. Shuningdek axborot texnologiyalari va axborot tizimlari haqida ham tushunchalar aytib o‘tilgan.

http://www.gospodarkainnowacje.pl/ © 2022 LWAB.

Мамлакат иқтисодиёти ривожланишини ўзида акс эттирувчи бу ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг ўтган йилга ёки базавий йилга нисбатан ўсишидир. COVID-19 пандемияси туфайли мамлакатимизга 2020 йилда 1,5 миллион хорижий сайёҳ ташриф буюрган бўлиб, ЯИМдаги туризмни улуши 1% га ҳам етмади.

Туризм соҳасига жалб қилиниши мумкин бўлган инвестиция аксарияти лойиҳалигича қолди.

Албатта туризм соҳасини ривожлантиришда биз эътибор қилишимиз керак бўлган йўналишлардан бири бу ички ва ташқи инвестициялар бўлиб, киритилган молиявий маблағлар янг иш ўринларни яратиш, иш билан бандлик, қолаверса аҳоли фаровонлигини таъминлашда мамлкатимиз иқтисодиёти учун дастаклардан бири ҳисобланади.

Ички инвестициялар мамлакатимиз хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрида бўлса, ташқи инвестициялар хорижий инвесторлар ихтиёридаги маблағлар ҳисобланади. Ташқи инвестициялар орқали мамлакатимизда янги иш ўринлари, инновацион янгиликлар, янги



Copyright © 2023 All rights reserved International Journal for Gospodarka i Innowacje This work licensed under a Creative Commons Attribution 4.0

технологиялар кириб келиши ички инвестициялардан устунлиги билан ажралиб туради.

Ички ва ташқи инвестицияни жалб қилишда албатта инвестицион муҳит яратилиши ва инвесторларнинг талабларини қондирилиши лозим. Ташқи инвестицияларни жалб қилиш орқали қуйидагиларга эришишимиз мумкин:

- янги иш ўринлар ташкил этилиб, ишсизлик даражасини пасайиши;
- янги технологияларни ҳудудга кириб келиши;
- маҳсулотларимизни жаҳон бозорини эгаллашига имкон яратилиши.

Мамлакатимиз тарихига назар ташласак, 2010-2017 йиллар давомида хорижий инвесторларнинг назарида солиқ ставкаларни юқорилиги, инвесторларни хорижий давлатлар қўллаб-қувватлашига шубҳа остида қараши бизнинг жаҳон бозорида ҳурматга сазовор бўлишда сунъий тўсиқ бўлди десак хато бўлмайди.

Жалб қилинган инвестицияларнинг туризм соҳасига киритилиши бу албатта туримни ривожлантирибгина қолмай ўз фойдасидан киритилган инвестицияларни кутилган натижа билан қайтаради. Мисол, туризм соҳаси ривожланган мамлакатлар туризм соҳасини ривожлантириш маълум бир даврдан кейин албатта мамлакат иқтисодиётига киритилган инвестицияларни қайтаришини ва ЯИМ улуши ўсиш суръатлар кузитилишига эришилган. Бизнинг давлатимиз ҳам туризм соҳасига инвестицияларни жалб қилиш бўйича қарор ва фармонлар қабул қилиниб келинмоқда.

Туризм соҳасига инвестицияларни жалб қилиш ва уни ривожлантириш ўз-ўзидан туризмда хизмат кўрсатаётган савдо, яшаш-овқатланиш, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа, қурилиш ва соғлиқни сақлашда янги иш ўринларни яратиб беради.

Туризмда хизматлар соҳасининг ривожланиши даражаси аҳолининг муносиб ҳаёт сифатини таъминлаш кўрсаткичидир, чунки хкўрсатилган хизматларнинг кўпайишига таъсир этувчи омиллар аҳолини реал даромадлар ва турмуш даражасини ўсишига олиб келади.

Ташқи инвестицияларни жалб қилиш иш ўринларни яратибгина қолмай, солиқ тизимига ўз таъсирини кўрсатади. Мисол учун, хорижий инвесторлар иштирокида ташкил этилган корхоналар сони ва солиқ тўловларнинг ўсишини кузатишимиз мумкин.

Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболлар миллий ва маҳаллий манфаатларни ҳисобга олган ҳолда республиканинг ҳар бир дестинациясида инвестицяларни жалб қилиш ҳамда ресурслардан оқилона фойдаланишга боғлиқдир.



Copyright © 2023 All rights reserved International Journal for Gospodarka i Innowacje This work licensed under a Creative Commons Attribution 4.0




**1–расм. Мамлакатимиз ташкил этилган корхона ва ташкилотларда хизматлар соҳаси бўйича банд аҳоли (*минг бирликда*)**[1]

Туризм хизматлар соҳаси жозибадорлиги унга юқори салоҳиятли инвесторларни кенг жалб қилишнинг бир қатор хусусиятлари билан тавсифланади, хусусан, инвестицион лойиҳаларнинг етарлича тез қопланган ҳолда, бошқа тармоқларга таққослаганда инвестицион маблағлар жуда катта ҳажмда талаб қилинмайди.

Албатта қўйилаётан талабларнинг кўлами кун сайин кенгайиб бормоқда ва шунга биноан уларнинг мундарижаси ҳам янгиланиб бормоқда. Талабнинг ўсиши, сўзсиз, янги муаммоларнинг туғулишида, соҳада кечаётган жараёнларнинг бошқача тус олиб янада мукаммалашиб боришига туртки беради. Шу боис, соҳада юзага келган ҳолатларни батафсил ўрганиш, улар тадқиқига замонавий методларни татбиқ этиш ва ҳолатни ўзгартириш, тизимни тартибга солиш тамойилларини ва ундаги ҳолатларни барқарорлаштириш имкониятларини қондиришга бўлган эҳтиёж ҳеч қачон йўқолмаса керак.

Туризмда хизматлар соҳасига киритилган инвестициялар ташиши ва сақлашда 21.9%, савдо 11.4%, ижтимоий хизматлар ва соғлиқни сақлаш 9.7%, фан 9.4%, яшаш ва овқатланиш 8.5% ва ахборот ва алоқа 6.3% улушга эгалик қилади.

[1] Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотларидан фойдаланилди.



Copyright © 2023 All rights reserved International Journal for Gospodarka i Innowacje This work licensed under a Creative Commons Attribution 4.0




**2-расм. Туризмда хизматлар соҳасига киритилган инвестициялар тақсимланиши (*млрд. сўм*)[2]**

Бугунги кунга келиб, тез ва қисқа муддатда катта самара бераётган туризм жаҳон хўжалиги етакчи тармоқларидан бирига айланиб бораётган бўлсада, унинг инновацион-инвестициявий ривожланиши асосида соҳада дунё ва ички туризм хизматлари бозорида рақобатбардошликни таъминлашга эришиш зарур. Айнан шунинг учун ҳам тадбиркорлик фаолиятининг туристик хизматлар кўрсатиш соҳасига инвестицияларни жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим.

Хулоса ўрнида айтганда, бугун туризм дунёда ҳар қандай мамлакатнинг ўзига хос “ташриф қоғози”, иқтисодиёт равнақ-ривожи, қулай инвестиция муҳити яратишда жозибадор, рақобатбардош соҳа сифатида эътироф этилиши бежиз эмас.

Бу соҳага қаратилаётган юксак эътибор ва рағбат яқин истиқболда Ўзбекистоннинг жаҳонда туризми энг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин эгаллашига ишонч уйғотади ва бу соҳада олиб борилаётганислоҳотларнинг туб моҳияти мамлакатимизда иш ўринларини кўпайтириш, аҳоли даромадларини ошириш, экспорт таркибини кенгайтириш ва инвестицион салоҳиятни ошириш орқали аҳоли фаровонлигига эришишдир.

Туризм дастурлари самарадорлигини ошиши қуйидаги ҳолатлар билан белгиланади: Туристик корхона молиявий натижаларининг эришилган даражаси ушбу кўрсаткич бўйича рақобатчиларнинг эришган даражасидан юқори бўлишини таъминлаш зарур. Келгусида туристик корхонанинг барқарор ривожланиши учун унинг молиявий натижаларини ўсиши рақобатчилар еришган натижалардан юқори бўлишини таъминлаш зарур.

Ҳозирда кишилар орасида туризмни кенг тарғиб қилиш мақсадида юртимиз телеекранларида Ўзбекистон туризм салоҳиятини, турли хил қадамжоларини, туристик масканларини, марказларини, юртимизнинг ғаройиб, афсонавий жойларини кеча-ю кундуз тарғиб қилувчи, саёҳатга доир турли хил кўрсатувлар намойиш етилмоқда, туризмни ривожлантириш бўйича субсидиялар ва бошқа рағбатлантириш воситалари ҳам қўлланилмоқда.

Хориж давлатлардаги елчилар мамлакатимиз, миллий қадриятларимиз тарғиботчилари бўлиши, бунга ватандошларимиз ҳам ҳисса қўшиши зарур.

[2] Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотларидан фойдаланилди.



Copyright © 2023 All rights reserved International Journal for Gospodarka i Innowacje This work licensed under a Creative Commons Attribution 4.0

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Mirziyoev Sh.M. “2017-2021-yillarda O’zbekiston rivojlantirishning beshta ustuvor yo’nalishi boyicha Harakatlar strategiyasi” Toshkent, 2017 y.
2. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori. PQ-381. «Respublika aholisini axborot-kutubxona bilan ta’minlashni tashkil etish to’g’risida». 2006
3. Rossiya menejment jurnali. 2014. – № 2. – URL: http://www.marketing.spb.ru/mr/education/teaching_case.htm (дата обращения: 10.04.2015).
4. Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman "Savdo-sotiqni boshqarishdagi innovatsiyalar": maqolalar to'plami. - M.: Paleotip nashriyoti, 81-83-sahifalar.
5. Мирзаева Ш. Н. НОВЫЕ ТРАНСФОРМАЦИИ И ИЗМЕНЕНИЕ ПРОФЕССИЙ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ НА РЫНКЕ ТРУДА УЗБЕКИСТАНА //Gospodarka i Innowacje. – 2023. – Т. 36. – С. 668-679.
6. Абдукаримов Ф. Б. А., Мирзаева Ш. Н. МАЛЫЙ БИЗНЕС-КАК ФАКТОР РАЗВИТИЯ КОНКУРЕНТНОЙ СРЕДЫ НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА //Gospodarka i Innowacje. – 2023. – Т. 36. – С. 657-667.
7. Абдукаримов Б. А. А., Мирзаева Ш. Н. РОЛЬ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В МОДЕРНИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН //Gospodarka i Innowacje. – 2023. – Т. 36. – С. 648-656.
8. MIRZAEVA SHIRIN NODIROVNA. (2023). THE IMPORTANCE OF INVESTING IN THE DEVELOPMENT OF THE SOCIAL SPHERE IN OUR COUNTRY. Central Asian Journal of Innovations on Tourism Management and Finance, 4(6), 153-160. Retrieved from https://cajitmf.centralasianstudies.org/index.php/CAJITMF/article/view/534
9. Курбанова Р., Мирзаева Ш., Хакимов Д. РОЛЬ СОЦИАЛЬНЫХ СЕТЕЙ И ТЕХНОЛОГИЙ В ИЗМЕРЕНИИ СОЦИАЛЬНОГО КАПИТАЛА //Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари/Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук/Actual Problems of Humanities and Social Sciences. – 2023. – Т. 3. – №. S/4. – С. 204-216.
10. Шарипов Т. С., Мирзаева Ш. Н. СОСТОЯНИЕ ВНЕДРЕНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОЕКТОВ В СФЕРЕ УСЛУГ В УЗБЕКИСТАНЕ //Gospodarka i Innowacje. – 2023. – Т. 36. – С. 27-45.
11. Мирзаева Ш. Н. ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ПОДДЕРЖКИ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА И ДЕЛОВОЙ АКТИВНОСТИ ЖЕНЩИН //Gospodarka i Innowacje. – 2023. – Т. 36. – С. 46-56.
12. Nodirovna M. S. Banks and Development of Banking Services in the Republic of Uzbekistan //Web of Semantic: Universal Journal on Innovative Education. – 2023. – Т. 2. – №. 6. – С. 21-30.
13. Nodirovna M. S. Foreign Experience in Supporting Entrepreneurship and Business Activity of Women //Web of Synergy: International Interdisciplinary Research Journal. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 654-665.
14. Saidakhmedovich S. T., Nodirovna M. S. The State of Implementation of Innovative Projects in the Service Sector in Uzbekistan //Nexus: Journal of Advances Studies of Engineering Science. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 375-391.
15. Nodirovna M. S. Creation of an Additional Product in the Service Process in the Republic of Uzbekistan //Gospodarka i Innowacje. – 2023. – Т. 35. – С. 635-643.
16. Nodirovna M. S. Problems of Development of the Service Sector in the Context of Digital Changes



Copyright © 2023 All rights reserved International Journal for Gospodarka i Innowacje This work licensed under a Creative Commons Attribution 4.0

in the Republic of Uzbekistan //Gospodarka i Innowacje. – 2023. – Т. 35. – С. 626-634.
17. Мирзаева Ш. Н. ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ //Gospodarka i Innowacje. – 2023. – Т. 35. – С. 662-671.
18. Nodirovna M. S. Improving the Mechanisms For Managing Service Processes in Service Enterprises in the Republic of Uzbekistan //Gospodarka i Innowacje. – 2023. – Т. 35. – С. 644-652.
19. Nodirovna M. S. Trading Enterprises and Banking Services in the Republic of Uzbekistan //Nexus: Journal of Advances Studies of Engineering Science. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 227-234.
20. Nodirovna M. S. Ways to Develop Banking Services in the Republic of Uzbekistan //World of Science: Journal on Modern Research Methodologies. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 18-24.
21. Nodirovna M. S., Ugli S. T. T., Abduazizovich A. I. WAYS TO INCREASE THE EFFICIENCY OF GOVERNMENT SERVICES IN THE EMPLOYMENT OF THE POPULATION IN UZBEKISTAN //Gospodarka i Innowacje. – 2022. – Т. 23. – С. 29-37.
22. Mirzayeva S. N. Prospects for the Development of Small Business and Entrepreneurship in the Digital Economy //American Journal of Economics and Business Management. – Т. 5. – С. 3.
23. Nodirovna M. S. FINANCING OF INVESTMENT ACTIVITIES IMPORTANCE OF SOURCES //Section A-Research paper Article History: Received. – 2022. – Т. 12.
24. Nodirovna M. S. Banks and Development of Banking Services in the Republic of Uzbekistan. Web of Semantic: Universal Journal on Innovative Education, 2 (6), 21–30. – 1910.
25. Nodirovna M. S. Foreign Experience in Supporting Entrepreneurship and Business Activity of Women. WEB OF SYNERGY: International Interdisciplinary Research JournalVolume2, Issue 5Year2023ISSN: 2835-3013https //univerpubl. com/index. php/synergy https://scholar. google. com/citations.
26. Mirzaeva S. N. et al. Innovative Enrichment of Service Enterprises Based on the Location of the Regions of Uzbekistan //AMERICAN JOURNAL OF ECONOMICS AND BUSINESS MANAGEMENT.
27. Mamanova G. B., Sultonov S. A., Mirzaeva S. N. Improvement of Economic Mechanisms for State Support of Private Entrepreneurship (Samarkand Region) //Procedia of Philosophical and Pedagogical Sciences.
28. Nodirovna M. S., Mamasoliyevna K. C., Ugli S. J. U. The composition of the income of service workers and ways of its improvement (on the example of educational institutions) //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2022. – Т. 12. – №. 4. – С. 213-218.
29. Nodirovna M. S. FOREIGN TO THE SECTORS OF ECONOMY OF UZBEKISTAN ATTRACTING INVESTMENTS. biogecko.co.nz.
30. Sidorov V. A. et al. INNOVATSIYA IQTISODIYOTI: TEXNOLOGIK YUTUQ MUAMMOSI //BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2023. – Т. 3. – №. 2. – С. 8-15.
31. Saidakhmedovich S. T., Bekhruz U. PROBLEMS OF ECONOMIC DEVELOPMENT OF SMALL BUSINESS IN THE REAL SECTOR //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2022. – Т. 10. – №. 10. – С. 624-628.
32. Шарипов Т. С. Важность организации ресторанных услуг в управлении гостиничным бизнесом //Молодой ученый. – 2020.



Copyright © 2023 All rights reserved International Journal for Gospodarka i Innowacje This work licensed under a Creative Commons Attribution 4.0

33. Sharipov T. Овқатланиш хизматлари бозорида рақобатбардошлик масалалари //Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar. – 2017. – №. 1. – С. 136-142.
34. Saidahmedovich S. T. THE CONCEPT OF MANAGEMENT IN ENTERPRISE MANAGEMENT AND ITS SPECIFICITY Kilichova Orzigul Zafar kizi Student Samarkand Institute of Economics and Service.
35. Sharipov T. S., Urokova M. G. Sustainable Directions of Employment Relations in the Service Service in Uzbekistan //JournalNX. – С. 503-506.
36. Абдукаримов Б. А. Ички савдо иқтисодиёти //Т.:«Фан ва технология», II. – 2014. – Т. 2008. – С. 224.
37. Saidahadovich S. S. The ways of Efficient use of Resources in Consumer Services //American Journal of Social and Humanitarian Research. – 2021. – Т. 2. – №. 8. – С. 22-29.
38. Qizi B. D. F. Analysis of the Influence of the Investment Environmental Attractiveness on the Socio-Economic Development of Regions (On the Example Of Navoi Region) //Nexus: Journal of Advances Studies of Engineering Science. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 131-141.
39. Shahboz S. et al. Finance in the Republic of Uzbekistan Market Institutional Development Factors //INTERNATIONAL JOURNAL OF BUSINESS DIPLOMACY AND ECONOMY. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 134-140.
40. Shomuradova S. MODERN METHODS OF MOVING GOODS IN RETAIL ENTERPRISES //Science and innovation. – 2023. – Т. 2. – №. A1. – С. 39-42.
41. Shomuradova S. THEORETICAL AND METHODOLOGICAL FOUNDATIONS OF THE DEVELOPMENT OF MERCHANDISING ACTIVITIES IN RETAIL ENTERPRISES //Science and innovation. – 2023. – Т. 2. – №. D3. – С. 5-7.
42. Шомуродова Ш. Ш. ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТ ВА УНИ АНИҚЛАШНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ МАСАЛАЛАРИ //IJODKOR O'QITUVCHI. – 2023. – Т. 3. – №. 30. – С. 189-195



Copyright © 2023 All rights reserved International Journal for Gospodarka i Innowacje This work licensed under a Creative Commons Attribution 4.0